“Uzbekistan Airports” АЖнинг 2024 йилдаги мажлислари (коллегиал) тўғрисидаги МАЪЛУМОТЛАР

Жамият Уставининг 13.1-бандига мувофиқ, акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг олий бошқарув органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 мартдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-283-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги “Uzbekistan Airports” АЖнинг ягона акциядори вазифасини бажаради.

2024 йилда **Жамият Ягона акциядори** томонидан қуйидаги масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди:

- *эмитентнинг йиллик ҳисоботини, ижро этувчи органнинг молия-хўжалик фаолияти якунлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш ва 2022 йил учун бизнес-режа параметрларини бажариш;*
- *Кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти якунлари бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш;*
- *МҲМС асосида тузилган 2022 йил фаолияти якунлари бўйича молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш ва унинг хизматлари учун тўловнинг чекланган миқдорини белгилаш мақсадида мустақил аудиторлик ташкилотини аниқлаш;*
- *МҲХС асосида тузилган 2020-2021 йиллар учун молиявий ҳисоботни текшириш натижалари бўйича аудиторлик хулосасини ва 2022 йил учун текшириш ҳолатини кўриб чиқиш;*
- *Жамиятнинг 2022 йил учун соф фойдасини тақсимлаш;*
- *Жамият устав фондини (капитали) кўпайтириш;*
- *Жамият Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш;*
- *ички ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва уларни янги таҳрирда тасдиқлаш;*
- *Жамиятнинг “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида;*
- *Жамият бошқарув раиси лавозимига Умарходжаев Жавлонбек Ойбекович номзодини тасдиқлаш ва у билан 3 (уч) йил муддатга меҳнат шартномаси тузиш тўғрисида;*
- *Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида;*
- *МҲМС асосида тузилган 2023 йил фаолияти якунлари бўйича молиявий ҳисоботларни текшириш, корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ва унинг хизматлари учун тўловнинг*

чекланган миқдорини белгилаш учун мустақил аудиторлик ташкилотини аниқлаш тўғрисида.

Жамият Уставининг 14.2-бандига мувофиқ, Кузатув кенгашининг миқдорий таркиби 7 (етти) кишини ташкил этади. Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни ва стратегик бошқарувни амалга оширади, қонун ҳужжатлари ва Устав билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал етиш бундан мустасно.

2024 йилда **Жамият Кузатув кенгаши** томонидан қуйидаги масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди:

- *Жамият бошқаруви раисининг 2023 йил 9 ойлик ҳисоботини кўриб чиқиш тўғрисида;*
- *2023-2025 йилларда аэропортларни ривожлантириш стратегиясини кўриб чиқиш тўғрисида;*
- *Жамиятда ва халқаро аэропортларда рақамлаштириш даражасини ошириш, аудит ўтказиш ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш тўғрисида;*
- *халқаро аэропортларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш тўғрисида;*
- *2023 йилнинг 9 ойи учун харид фаолияти тўғрисидаги ахборотни кўриб чиқиш;*
- *“Uzbekistan Airports” АЖ халқаро аэропортларида ҳаво кемаларига хизмат кўрсатишда авиакомпанияни рағбатлантириш тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш;*
- *Жамият ички аудит хизматининг 2023 йил 9 ойлик ҳисоботини кўриб чиқиш тўғрисида;*
- *ички аудит хизматининг 2024 йилги иш режаси ва харажатлар сметасини тасдиқлаш тўғрисида;*
- *Жамият ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш мақсадида дастур ишлаб чиқиш ва илғор тажрибаларни жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатувчи компанияни танлаш учун ТТ лойиҳасини кўриб чиқиш;*
- *Жамият Кузатув кенгашининг 2024 йилги иш режасини тасдиқлаш тўғрисида;*
- *Жамиятнинг 2024 йилга мўлжалланган бинес-режасини тасдиқлаш тўғрисида;*
- *Жамият бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномаларини қайта тузиш тўғрисида;*
- *акцияларни қўшимча чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш;*
- *Жамиятнинг 2024 йилга мўлжалланган харидлар режасини тасдиқлаш тўғрисида;*

- *МҲМС асосида тузилган 2023 йил фаолияти якунлари бўйича молиявий ҳисоботнинг аудитини ўтказиш учун мустақил аудиторлик ташкилотини танлаш, шунингдек корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида;*
- *Жамият Кузатув кенгаши раисини ва корпоратив котибини сайлаш тўғрисида;*
- *Жамият Кузатув кенгашининг 2024-2025 йилларга мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш тўғрисида;*
- *Жамият Кузатув кенгаши ҳузуридаги қўмита аъзоларини сайлаш тўғрисида;*
- *2023 йилда халқаро аэропортларда рақамлаштиришни ривожлантириш масаласини кўриб чиқиш;*
- *Жамият бошқарув раисининг 2023 йилдаги ҳисоботини кўриб чиқиш;*
- *Жамиятнинг 2023 йил учун соф фойдасини тақсимлаш масаласини кўриб чиқиш;*
- *Жамият Кузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти якунлари бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш;*
- *МҲМС бўйича тузилган молиявий ҳисоботларнинг аудиторлик текшируви якунларини кўриб чиқиш, 2023 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш;*
- *ягона акциядорнинг кун тартибини тайёрлаш.*

Жамият Уставининг 15.1-бандига мувофиқ, Жамият бошқарув аъзоларининг сони 8 (саккиз) кишидан иборат. Жамиятнинг жорий фаолияти устидан раҳбарлик коллегиал Ижроия органи (Бошқарув) томонидан амалга оширилади.

Бошқарувнинг ваколатларига Жамиятнинг жорий фаолиятига рахбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

2024 йилнинг бошидан бугунги кунга қадар 133 та бошқарув йиғилиш бўлиб ўтди, унда 140 дан ортиқ қарорлар кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

Ўтказилган мажлислар доирасида стратегик ривожланиш, Жамият ва халқаро аэропортларнинг молиявий-хўжалик фаолияти, кадрлар ва ижтимоий сиёсатни такомиллаштириш каби муҳим йўналишлар бўйича қарорлар қабул қилинди.